

Исо Масих,  
ҳақида қандай  
фикрдасиз

?



## Исо Масиҳ ҳақида қандай фикрдасиз?

### Исо Масиҳ ҳақида нималарни биласиз?

Олам ўзининг охири томон шошилиб кетмоқда. Қуёш остидаги ҳар қандай нарсанинг охири яқинлашиб келмоқда. Исо Масиҳ бу дунёга Худо номидан қайта келишини ҳар қандай художўй ва дин масаласига қизиқувчи инсон аниқ билади. Ўшанда Унинг қайтиб келиши ҳақида беҳабар қолган одамлар қаттиқ изтироб чекадилар, чунки улар Унинг шахси ҳамда Унинг ҳақиқий ва инкор қилиб бўлмайдиган қудратини назар-писанд қилмаганлар.

Сиз ҳам Унинг қайтиб келиши дақиқасида шуни англаб оласизки, сизнинг ҳозирги қисқа ҳаётингиз ва бўлгуси ҳаётингиз Исо Масиҳга бўлган мунособатингизга тўла боғлиқ бўлади.

Агар сиз Исо Масиҳ шахсиятининг бу дунёга ошкор бўлмаган таъсирини англаб етган бўлсангиз, сиз келажакка ҳеч қандай қўрқувсиз, бемалол ва хурсандлик билан қарашингиз мумкин.

Ўз шон-шухратида келувчи сиздан сўрайди: «Сен Менинг ҳақимда қандай фикрдасан?» Ҳали вақт бор экан, келинг, Исо Масиҳ шахси, Унинг ҳаёти ҳақида биргаликда фикрлашиб олайлик! Унинг инояти ва шафқати ила сиз ўз қалбингизда тинчлик ва осойишталик топасиз.

### Исо Масиҳнинг мўъжизавий таваллуди ҳақида қандай фикрдасиз?

Ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам ҳеч бир шахснинг

What do you think about Christ?

– Uzbek –

туғилишини Исо Масиҳ таваллуди билан қиёслаб бўлмайди. Чунки У Биби Марямнинг ўғли деб аталган. Исмоил Иброҳимнинг ўғли, Яҳё Закариёнинг ўғли, Муҳаммад Абдулланинг ўғли деб аталган.

Нима учун Исо Масиҳ фақат Ўз онасининг исми билан аталган? Чунки Унинг отаси бошқаларники каби эмас эди. Чунки У ифратини сақлаб қолган қиздан туғилган. Унинг дунёга келиши Худонинг хоҳиш-иродаси ва Унинг қудратига боғлиқ бўлган.

Ишайя пайгамбар Исо Масиҳнинг туғилишидан 700 йил аввал бу мўъжизакор ҳодисанинг қандай содир бўлишини олдиндан айтиб берган:

«Мана, қиз қорнида ҳомила бўлар, ва ўғил кўрар, ва Унинг исми Еммануил аталур, яъни: Худо биз билан.» (Ишайя 7:14)

Ва Худо Ўз ваъдасини бажарди, чунки У содиқ ва олилдир, ва Унда ҳеч қандай имкони бўлмаган иш йўқдур.

Исо Масиҳ - Худонинг Сўзи эканлигини биласизми? Инжилдаги Худонинг ваҳийсини ўқлинг, У шундай дейди: «Азалда Каломуллоҳ бор эди. Каломуллоҳ Худо наздида эди, Каломуллоҳ - Худо эди... Каломуллоҳ инсон қиёфасига кирди, У иноят ва ҳақиқатга тўла, биз аро маскан қилди. Биз Унинг улугворлигини - Отанинг Ягонасига хос улугворликни кўрдик». (Юҳанно 1:1; 1:14)

Мана шу тарзда Худонинг Исо Масиҳ орқали бизга берилган Сўзнинг қудратли ижодий кучи намоён бўлди. Агар сиз Унинг туғилиши билан боғлиқ бўлган воқеаларга эътибор берсангиз, ҳайрон қоласиз, чунки ҳеч қайси одам У каби дунёга келмаган. Унинг

туғилишини бу дунёдаги ҳеч қандай ҳодиса билан қиёслаб бўлмайди.

Худо Одам Атони замин тупроғидан бунёд қилган. Биз ҳаммамиз - Одам Атонинг фарзандимиз, пайгамбарлар ҳам Одам Атодан, замин тупроғидан вужудга келган. Биз ҳаммамиз - ер фарзандларимиз, фақат ягона Исо Масиҳгина юқоридан берилган, чунки У Осмондан келган, шунинг учун фақат Угина бегуноҳ, пок, тоғ чўққилардаги қор каби муқаддаслиги билан ажралиб туради. Биз эса Муқаддас Рухдан эмас, балки бу заминнинг бузук гуноҳкор фарзандларимиз.

Биз Муқаддас Китобда шундай бир ажойиб фикрнинг гувоҳи бўламиз: Исо Масиҳ бу дунёга гуноҳкорларни қутқармоқ учун келган. Шунинг учун ҳам Унинг Қутқарувчилик ўрини ҳеч ким боса олмади-ки, чунки Ундан ташқари ҳамма чангдан пайдо бўлгандир, фақат Угина бевосита Худодан таваллуд топган. У биздек гуноҳкорларга беписандлик билан қарамай, балки бизни қутқариш хизматини ҳам Ўз гарданига олди. У биздек гуноҳкорларни поклаш учун, бизнинг бу бахтсиз дунёмизга келди. Шунинг учун биз Худони Исо Масиҳнинг мўъжизавий таваллуди учун шарафлаймиз.

**Исо Масиҳнинг поклиги, бегуноҳлиги ҳақида сизга нималар маълум?**

Исо Масиҳ Худо Рухидан туғилди ва Ўз туғилишиданок пок ва бегуноҳлигида қатъий турди. У бирон марта ҳам гуноҳ қилмади. У бирон-бир ёмон иш қилмади. Унинг ҳеч қачон Худодан кечирим сўрашга эҳтиёжи бўлмади. Бизлар эса, аксинча, Худо олдида

Ўзимизнинг ҳамма гуноҳларимизга икром бўлмоғимиз лозим. Агар биз шундай қилмасак, биз Худони ҳам, ўз-ўзимизни ҳам алдаган бўламиз. Довуд пайгамбар кўз ёши тўкиб Худодан шафқат ва кечирим сўраган, ва ҳатто Иброҳим Халилулло (яъни Худонинг дўсти) Худодан кечирим сўрамоғи лозим эди. Лекин Муқаддас Китоб ёки Қуръонни тадқиқ этиб, Исо Масиҳнинг кечирим сўраганлиги ҳақида бирон сўз ёки ишора топа олмайсиз.

Исо Масиҳ бирон-бир камчиликсиз бўлганлигидан шахсан Ўзи учун покланиш ва гуноҳларидан оқланишга муҳтожлиги йўқ эди. У Ўз душмандарига очиқдан-очиқ савол берарди: «Қайси бирингиз мени гуноҳда фош эта оласиз?» Улардан ҳеч ким Унинг сўзлари ёки ҳаракатларида бирон-бир камчилик топа олмадилар. Рим прокуратори қошидаги сўнгги суд мажлисида қози: «Мен бу одамдан бирон-бир камчилик топа олмадим», - деб уч карра расмий жиҳатдан тан олмоққа мажбур бўлган.

Бундан ташқари, бир телбанинг ичида яшаган нопок руҳ Исо Масиҳнинг яқинлашаётганини кўриб, газабга келиб ваҳимага тушиб Унга: «Қўйсанг-чи, насролик Исо! Бизлар билан нима ишинг бор? Сен бизни ҳалок қилгани келдинг-ку! Сенинг кимлигингни биламан: Сен Худонинг Азизисан!» - деб бақирди. Исо Масиҳнинг софлиги, мукамаллиги, муқаддаслиги, Унга ўхшаш ва Унга тенг келувчи бошқа биров йўқлиги бу дунёда ҳам, мангуликда ҳам тан олинган. Ундан бошқа ҳамма гуноҳкордир.

## Исо Масиҳнинг айтган сўзларидан нимани англаб олдингиз?

Ҳамма пайгамбарлар, расуллар-ҳаворийлар ва Худонинг хуштабиат элчилари Унинг Сўзини Илоҳий Руҳнинг илҳомбахш таъсири орқали олганлар. Лекин Исо Масиҳнинг Ўзи ўша Сўз эди. Унда Худонинг ижодий қудрати мужассамлангандир. У фақатгина сўзлаб қолмай, балки ана шу айтганларини амалга оширарди. Унинг ҳаётида сўзи ва иши ўртасидаги зиддият борлигига ҳатто бирон-бир ишора йўқ эди. Муқаддас Китобнинг кўп жойларида У ҳақида қуйидагиларни ўқиймиз: «Исо бу сўзларини айтиб бўлгандан кейин, халойиқ Унинг таълимотига ҳайрон қолди. Чунки Исо уларга уламолар ва фарзийлар каби эмас, балки қудратли куч эгасидай таъсирчан таълим берар эди.» Унинг душманлари ўз хизматкорларини Уни қўлга олиш учун юборганда, улар, шу вақтгача ҳеч ким Бу Одамдай сўзлай олмаган деб, топшириқни бажармай, қайтиб келардилар.

Исо Масиҳнинг Ўзи айтган бир-неча сўзларни тингланг:

«Мен оламга нурман. Ким менга эргашса, зулматда юрмайди балки ҳаёт нурига эга бўлади.»

«Душманларингизни севингиз, сизни қоралаганларга фотиҳа берингиз, сизни ёмон кўрганларга хайру эҳсон қилингиз, сизни хафа қилган ва қувганлар учун ибодат қилингиз.»

«Ҳукм қилмангиз, ва ҳукм қилинмайсиз; чунки, сиз ҳукм қилганингиз каби, ўзингиз ҳукм қилинасиз; қандай ўлчов билан ўлчасангиз, сизга ҳам шундай

ўлчов билан ўлчайдилар.»

Агар сиз бу сўзларнинг туб маъносини англаб олмоқчи бўлсангиз, тушунасизки, Исо Масих оламнинг нури; У Унинг сўзларини ўз қалбларига сингдириб олганлар учун ҳақиқий осойишталик ва ҳақиқий ҳаёт тўхфа этади.

Бошқа ҳамма пайгамбарлар нопок ва қоронгу дунёда нур таратиш учун Илоҳий зиёнинг зарраларидан олганлар. Уларни қайтиб бораётган ойнанинг майин нури билан қиёс этиш мумкин. Исо Масих - бутун куч-қудрати ва шон-шухрати билан заррин нур сочувчи Қуёшдир. Қуёш чарақлаб турган бир вақтда ким ой нурига талпинади? Исо Масих - ҳақиқий нурдир: У дунёга Худо ваҳийсининг тўлалигини, Унинг янги қонунининг мукамаллигини кўрсатди. Унинг Ўзи - вужуд бўлиб келган мухаббатдир, шунинг учун У куйидаги сўзларни айтишга тўла ҳақлидир:

«Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман.»

«Осмон ва ер ўтиб кетар, лекин Менинг сўзларим ўтиб кетмас.»

**Исо Масихнинг қудрати ҳақида нима деб ўйлайсиз?**

Исо Масихнинг ишлари ҳақида фикр юритган киши, У чексиз қудратга эга бўлганлигини тан олади. Унга бутун самовий кучлар ва улар устидан ҳокимият берилган эди. У дунёга Худонинг ишларини кўрсатарди. Одамлардан ҳеч бири У қилган ишларни қила олмас эди.

У моҳовларни Ўз сўзи билан шифолар эди. Ўз шафқати ила ожизларнинг кўзларини бирон-бир жарроҳлик асбобисиз шифолар эди. У сўз билан тўфонни тинчитар эди. У инсон ичидаги жинларга амр бериб, уларни қувиб чиқарар эди. Беш нон ва икки балиқ билан У 5000 кишини тўйдирди. Бунга ўхшаш ишларни амалга оширган одам ер юзида топилмайди.

Баъзи пайгамбарлар ўз Худованди номи билан ажойиботларни қила олар эдилар, Исо Масих эса ажойиботларни Ўз қудрати билан, Ўз номи учун яратарди.

Яҳудия тоғидаги қишлоқлардан бирида Лазар исмли одам яшар эди. У ўлди ва уни дафн этдилар. Унинг қариндошлари мотам тутиб, у ҳақда кўп йигладилар. Улар Исо Масих олдига одам юбориб, уларнинг қайғусида мадад беришини илтижо қилдилар.

Исо Масих шу қишлоққа етиб келганида, Лазарнинг дафн этилганига тўрт кун бўлган экан. Исо Масих қабр ёнига бориб, баланд овози билан: «Лазар! Чик!» - деб чақирди. Ҳақиқатдан ҳам, ўлган одам қабрдан чиқиб келди.

Бу воқеанинг сизга ҳам бевосита алоқаси бор: сиз Илоҳий Тирилтирувчининг овозини эшитганингизда, ўзингизнинг руҳий ўлимнинг қабридан турасиз ва ўз гуноҳларингизни ана шу қабрда қолдирасиз, чунки Исо Масих бундай дейди: «Мен тирилиш ва ҳаётдирман; Менга ишонган ўлса ҳам, жонланади.»

Шундай кун яқинлашиб келмоқдаки, бунда ҳамма ўлиқлар Исо Масих овозини эшитиб, тириладилар: бунда биров Худо билан мангу ҳаёт учун тирилса,

бошқалар қиёмат Қозиси ҳукмига борадилар. Шунинг учун ҳам ўз қалбингизга Исо Масиҳни жо қилинг, шунда жаннат фароғатию мангу ҳаёт сизнинг доимий қисматингиз бўлиб қолади.

Биз ўзимизнинг қачон бу дунёдан кўз юмишимизни ва бу воқеа қачон ва қандай содир бўлишини билмаслигимизга иқрор бўлмоғимиз лозим. Худди шундай ўлимимиздан кейин нима бўлишини ва яқинларимиз ўзини қандай тутишини ҳам билмаслигимизга иқрор бўлмоғимиз лозим. Ҳатто пайгамбарлар ҳам ўзларининг сўнги соатлари ҳақида ҳеч нарса билмаган. Лекин Раббимиз Исо Масиҳ, У Қуддус шаҳрида оқсоқоллар қўли билан мажусийлар қўлига топширилиб, оғир азоблардан ўлишини олдиндан билган ва айтиб берган. Ўз хоҳиш ва истаклари билан тўла келишилган ҳолда У Ўз ўлимининг кунини аниқлаб берди. Бу воқеа солиҳлар ўзларининг Худо қаҳрига йўлиқмаслиги учун ўз кўзиларини қурбон қиладиган Пасха куни содир бўлиши лозим эди. Унга ишонган ҳар бир одамнинг Худо қаҳридан қутилиши учун, дунё гуноҳларини Ўз гарданига олган Худонинг Қўзиси ана шундай ўлди. Исо Масиҳга ишонган одам покланади ва Унинг мангу солиҳлиги билан солиҳ бўлади.

Исо Масиҳ Ўз ўлимининг вақти ва қандай рўй беришигина эмас, балки ўлимининг аҳамиятини ҳам олдиндан айтиб берди. Ўз издошларини эса Ўзининг учинчи куни тирилишига ва бунга ҳеч қандай куч халақит бера олмаслигига ишонтирди. Худди шундай бўлди ҳам.

Исо Масиҳ: «Ҳеч ким Ўз ҳаётимни менадан тортиб

олмайди, лекин Мен Ўзим уни бераман. Уни бериш ва уни қайтиб олиш иқтидорим бор,» - деган эди. Ҳеч ким ўзининг вафоти ҳақида аниқ тасаввурга эга эмас, ўз ўлими ва тирилиш устидан ҳеч қандай иқтидорга молик эмас. Исо Масиҳ эса, Ўз иродаси билан, бутун дунё гуноҳларини Ўз гарданига олиб ўлди. У бизнинг покланиш ва оқланишимиз учун ўлди. Ва лекин Унинг Ўзи, Унга ишонган ҳар бир кишини Тирилтирувчи, Ҳаёт Берувчи ва Унга ишонган кишига Ўзининг руҳий ҳаётини Берувчидир. Исо Масиҳ каби ўлиб, тирилган одам ер юзиде йўқдир! Унинг ўлими - Худонинг бутун инсониятга берган буюк туҳфасидир.

### Исо Масиҳнинг ўлим устидан ғалабасини англадингизми?

Исо Масиҳ ҳақиқатан ўлди ва қояда ўйиб ишланган қабрда дафн этилди. Унинг душманлари қабрга кириш жойини катта тош билан беркитиб, Исонинг издошлари ўз Устозларининг жасадини ўғирлаб кетишмасин деб, кириш жойини ўша вақтдаги энг қудратли Рим давлатининг муҳри билан муҳрлаб қўйдилар. Шу мақсадда муҳрланган кириш жойига қуролланган кўриқчилар ҳам қўйилди.

Лекин учинчи куни Исо қайта тирилиб, тўла осойишталик билан Ўз қабрини тарк этди. Шогирдлари қабрни бўш топдилар. Улар Унинг қайта тирилганини кўриб, ҳайратга тушиб, ҳангу манг бўлиб қолдилар. Улар арвоҳни кўряпмиз деб ўйлаб, ваҳимага тушдилар. У эса улар билан меҳрибонлик билан сўзлашиб, уларга қўл ва оёқларидаги михларнинг изларини кўрсатди. Улар Унинг ҳақиқатан тирилганига ишонч

ҳосил қилишлари учун У уларнинг кўз олдида овқатланди, бундан ташқари У уларга танаси ҳам борлигига ишонтариш учун ушлаб кўришга ҳам имконият берди.

Барча расуллар ва пайгамбарлар ўлдилар, уларнинг баданлари чангга айланди, баъзиларининг суюқлари қолган ҳолос, лекин Исо Масиҳ барҳаёт, У қайта тирилди, У ўлимни енгди!

Сиз Исо Масиҳнинг ўлимдан қайта тирилишининг буюк маъносини англадингизми? Бу буюк воқеа билан Худо Ўзининг хочга михланган Ўглини севишини ва Унинг ўлимини бутун инсоният ўрнига берилган қурбон сифатида қабул қилганлигини исбот этди. Шунинг учун, Исо Масиҳнинг қайта тирилиши бизга биз Худо билан ярашганлигимиз ҳақида ишонч беради. Исо Масиҳнинг барҳаёт, айнан барҳаётлиги - бизнинг оқланишимиздир.

**Исо Масиҳнинг Худо олдида - самога юксалиши ҳақида нима деб ўйлайсиз?**

Сиз Исо Масиҳ самога юксалиб, Худонинг ўнг томонида ўтирганлиги ҳақида ўқиганмисиз? У - Худога энг яқиндир. Унга тенг кимса йўқ! Чунки У осмондан тушиб, мужассамланиб, одам бўлиб юрди, кейин эса У Ўз ўлими билан гуноҳни, ҳалокат бўлиши ва шайтоннинг ўзини ҳам енгиб, самога юксалди.

Исо Масиҳ - инсон ва Худо ўртасидаги, барча Худога яқинлашганлар учун ягона ва барҳақ Воситачидир. Унинг оқловчи Воситачилигига ишонувчиларнинг қалбида Муқаддас Рух яшайди, ва

улар ўзларнинг бутун вужуди билан янгиланганларини сезадилар. Улар бугуннинг ўзидаёқ, барча одамларга муқаддас ва самимий муносабатда намоён бўлувчи мангу ҳаётга молик бўладилар. Агар сиз Исо Масиҳ ҳақиқатан барҳаёт эканлигини тажрибада тасдиқланишини исгасангиз ва Унинг нажоти шахсан сизга ҳам алоқадор бўлишини хоҳласангиз, ўз қалбингизни Муқаддас Рух қудратига очинг. Инжилдан сиз Исо Масиҳнинг кимлигини билиб оласиз ва ўз ҳаёт йўлингизни Унинг иродасига мувофиқ давом эттирасиз.

Барҳаёт Исо Масиҳни инкор қилган одам бир вақтнинг ўзида Худонинг Ўзини ҳам инкор этади. У Исо Масиҳни барча инсонларнинг гуноҳлари учун қурбонликка берди ва самода Ўзининг ўнг томонига ўтқизди. Шунинг билан Худо Унинг илҳоми билан Довуд пайгамбар орқали, самога юксалган Исо Масиҳ ҳақидаги айтган қуйидаги башорат бажо этилди: «Душманларингни Сенинг оёқларинг остига қўймагунимча ўнг томонимда ўтириб тур». Исо Масиҳнинг голибона самога юксалиши кунидан бери, Унда намоён бўлган Худонинг муҳаббатини инкор қилувчилар ўз-ўзларини ҳукм қилмоқдалар. Ҳамма учун Худонинг инояти фақат Исо Масиҳдадир. Бу иноятни инкор этувчи Худонинг қаҳрига лойиқдир ва бу қаҳрни ўзига олади, чунки Худонинг Ўзи таклиф қилган яккаю ягона нажот йўлини инкор этади.

Лекин, мен ўйламанки, сиз доносиз ва мужассам бўлган Худонинг муҳаббатини инкор этмайсиз, лекин Исо Масиҳ орқали таклиф қилинаётган нажот тўлиқлигини қабул қиласиз. Унинг голибона

тирилишига қадар бутун инсонлар устидан қудратли бир душман каби ўлим ҳукмронлик қилар эди. Энди эса Исо Масиҳ ўлимни енгди ва тирилиб дунёга барҳаёт келди! У энди ҳеч қачон ўлмайди! У билан имон орқали бирлашган, Унинг Илоҳий ҳаётининг қудратидан бир қисмини олади ва бу ҳаётни дўзах ҳам енга олмайдди. Сизга бир савол беришимизга рухсат беринг: Исо Масиҳнинг тирилишида Худонинг шафқатини кўриб, Уни Ўзингизнинг шахсий Нажоткорингиз деб қабул қилдингизми? Уни қабул қилинг, ва мангу яшайсиз!

**Исо Масиҳнинг тез кунларда иккинчи бор ерга келиши ҳақида нималарни биласиз?**

Исо Масиҳ мужассам бўлган муҳаббатдир. У ҳар бир одамни севади, айниқса Унинг муҳаббат Рухига мувофиқ иш тутувчиларни. Бу одамлар Унинг қудрати билан севувчиларга айланганлар. Худо уларни Исо Масиҳда кечиргани каби, улар ҳам ўз душманларини кечирадилар.

Осмонда барҳаёт Худо бизни доим Ўзининг даргоҳида кўришни истайди, чунки У бизни севади. Исо Масиҳ Ўз ўлими ва тирилиши ҳақида олдиндан очиқ-ойдин айтиб берганидек, иккинчи марта келишини ҳам айтган эди. Донолар уларнинг Раббийси тез кунда Ўз шуҳратида келади деган умидда У билан учрашувга тайёрланмоқдалар. Унинг нажотини қабул қилганларни У ўзларини гуноҳкор эмасмиз ва Исо Масиҳнинг иноятига муҳтож эмасмиз деб кўрсатувчи мағрурликда тошдек қотиб қолганлардан ажратиб олади.

Қадрдон оғам ва иним! Қадрдон опам ва синглим! Сўнгги ҳукмга бормаслик учун Исо Масиҳ билан учрашувга тайёр бўлишга шошилинг. У келгуси газабдан ягона Нажоткордир.

Ҳамма нажот топган мумтозлар Исо Масиҳнинг келишини доимо кутадилар ва Унинг келишини хоҳлайдилар. Яҳудийлар ҳам, мусулмонлар ҳам Унинг келиши яқинлашаётганини биладилар. Баъзилар Исо Масиҳ Ўзининг иккинчи келишида 40 йил ҳукмронлик қилади десалар, яна бошқалар 100 йил ҳукмронлик қилади дейдилар! Яна бошқалар бўлса У 1000 йил ҳукмронлик қилади деб ишонадилар. Муқаддас Китоб эса Исо Масиҳ - шоҳлар Шоҳи, ҳукмронлар Ҳукмронидир, Унинг ҳокимлиги чексиздир дейди. Бу ҳокимлик мангу давом этади. Унинг Ўзи шундай деб расмий тан олган: «Мен Шоҳман; Мен ҳақиқат тўғрисида шаҳодат бермоқ учун туғилдим ва шунинг учун оламга келдим; ҳақиқатдан бўлган ҳар бир инсон Менинг овозимга қулоқ солади».

**Исонинг исмлари ҳақида нима биласиз?**

Баъзи пайгамбарлар алоҳида фахрий исмга эгадирлар. Иброҳим - «Худонинг дўсти», Мусо - «Худо билан суҳбатдош бўлган», Исо - «Худонинг мужассам бўлган Сўзи» деб аталади.

Лекин Инжилда биз самодан келган ваҳий ҳақида ўқиймиз: «... ва мана, булут ичидан бир овоз келди: «Бу Менинг севикли Ўғлимдир, Ундан мамнунман; Унга қулоқ солинглар.»»

Худонинг Ўғли деган ибора нимани билдиради?

Одатда ўғил отанинг акси бўлади. Худди шундай Исо Масихда ҳам Худонинг барча нишонлари акс этган. Исо Масих Ўз издошларига бундай деган: «Мени кўрган Отамни кўради.» Балки сиз ҳозир ўзингизча: «Ё Худо, мени бундай фикрлардан сақлагин! Марямнинг ўғли Сенинг пайгамбарингдан бошқа ҳеч ким эмас!» деб ўйлаётгандирсиз. Ундай бўлсаю сиздан сўрашга рухсат беринг: «Агар У пайгамбар бўлса, унда нега сиз Унинг орқасидан эргашмайсиз? Нега сиз Унинг айтганини бажармайсиз?» Агар сиз Унга ўз гуноҳларингизни очиқ иқроф этмас экансиз ва Унга ўз фикрларингизни, сўзларингизни, ишларингизни ўзгартиришга ижозат этмас экансиз, сиз маҳкум бўлгансиз.

Исо Масих бу дунёга кул қиёфасида келиб, бизни, гуноҳ қулларини озод этиш учун келганлиги буюк сирдир. Бизга шафқат ва одабийликнинг қандай бўлишини кўрсатиш учун У бу дунёга бир мўмин инсон бўлиб келди. Бизга гурур, ҳокимият ва бойлик эмас, балки фақат Худонинг беозор муҳаббатигина нажот келтиради. Қўлига шамшир ёки милтиқ кўтариб олган кучли кўринади, лекин ўзини ўзи енга олган ундан ҳам кучлироқдир; лекин Ўзини кўпчиликнинг нажоти учун қурбон қилган улугларнинг Улугидир. Инжилчи Юханнонинг қуйидаги сўзларининг туб маъноси ҳам ана шундайдир: «Ва Калом вужуд бўлиб, иноят ва ҳақиқатга тўлиб орамизда сокин бўлди, ва биз Унинг шуҳратини, Отанинг ягона Ўғлининг шуҳратини кўрдик. ...Ва Унинг тўлиқлигидан ҳаммамиз иноят устига иноят олдик.»

Исо Масих инсон суратида вужуд бўлиб келди, шунинг учун ҳам бизга Худо бизнинг шафқат, муҳаббат ва узрга тўла Отамиз эканлигини идрок қилишимиз мумкин. Худо Ўзининг яратганларини Ўз ҳолига ташлаб қўйган ва улар ҳақида қайғурмайдиган вайрон этувчи ва ҳалок қилувчи эмас. Исо Масих Худонинг бизнинг онгимизга тушунарли бўлган таърифини берган. Худди шу билан бирга У бизга фақат «Ота» номини ошкор этибгина қолмай, балки Ўзининг қиёфасида бизга Худо хулқ-атворининг гаройиб томонларини ошкор этиб, Унинг бизга бўлган муҳаббатини зоҳир этди. Бунинг ҳаммаси биз ҳозирнинг ўзидаёқ мангу ҳаётнинг моҳияти ва мазмуни бўлган Худонинг муқаддас муҳаббатини тушунишимиз учун бизга ошкор этилди.

Исо Масихнинг сизга қилган таклифларига қандай муносабатдасиз?

Худонинг ўғли сизга ҳам, ҳамма одамларга ҳам шундай дейди: «Эй оғир юк остида қийналиб, ҳориб-толган ҳаммаларингиз! Менинг ҳузуримга келинглар, Мен сизга ором бераман; Менинг бўйинтуругимга ўзингизни кўшинглар ва Мендан ўрганинглар. Чунки Мен беозор ва соддадилман. Шундай қилиб, жонларингиз таскин топар. Чунки Менинг бўйинтуругим юмшоқ, Менинг юким енгилдир.»

Исо Масих Ўз шогирдларини ана шу сўзлар билан чақирганида ўз ўйлари, ота-оналари, ишларини қолдириб, Унинг ортидан эргашдилар. Унинг даъвати Илохий қудратга эга эканлигини ўзларида синаб, шахсан ишонч ҳосил қилдилар. Унинг ортидан қанча

кўп юрсалар, Уни шунча кўп англардилар. Шу тарзда улар Унга ишондилар ва Унга барча ҳаётларини бағишладилар.

Исо Масиҳ сиздан ҳам ана шундай қарорни кутмоқда. Сизни боғлаб турган ҳамма нарсани қолдиринг ва Унга эргашинг! Сиз Уни янада кўпроқ таниб оласиз ва Унинг жароҳатли қўлларига ўз ҳаётингизни топширасиз. Сизнинг ҳаётингиз ва ишларингизда Унинг муҳаббатини тимсоли ошкор бўлмоғи учун У сизни Ўз Муқаддас Рухига чўмдиради. Ва сиз ҳақиқатгўй, мўмин инсон бўласиз ва ҳар қандай ақлдан ҳам юксак бўлган Илоҳий тинчлик, сизнинг қалбингизни ва сизнинг ҳаётингизни Раббимиз Исо Масиҳ келгунча пок ва муқаддас сақлайди.